

Исломни қабул қилган инглиз аёли Тикток юлдузига айланди



13:30 / 19.08.2021 4285

Буюк Британиянинг Шеффилд шаҳридаги черков мактаби ўқувчиси Лина Брукс 13 ёшида исломни қабул қилди. Унинг Ислом динини қабул қилиши оиласи билан бўлган муносабатни мураккаблаштиради. Отаси Стюарт исломий буйруқларни тушунмаган ва қабул қилмаган, шунинг учун у қизи билан муносабатларини бутунлай узиб қўйган. Онаси эса, Жеанита Брукс ҳам қизининг танловига совуққонлик билан муносабатда бўлди. Бир неча йиллар давомида ўсмир қиз ўз уйида деярли ота-онаси билан мулоқот қилмасдан яшади, деб хабар беради Daily Mail манбаси.

Бироқ, вақт ўтиши билан, эллик икки ёшли қурувчи Стюарт, исломни қабул қилди, сўнгра ота ва 19 ёшли қизи ўртасидаги муносабатлар ижобий томонга силжиди.

Бундан ташқари, Лина тик ток ижтимоий тармоғида канал очди. Икки йил ичида унинг фойдаланувчилари 50 минга етди.

Ҳозир Лина 21 ёшда, турмушга чиққан, бир қизи бор. У турмуш ўртоғи Жамол Элдин Саиднинг қариндошлари билан илиқ дўстона муносабатда ҳаёт кечирмоқда.